

Elim deb, yurtim deb yonib yashash kerak!

Turkiston

1925-yildan chiqqan boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2014-yil 20-mart, payshanba № 22 (15764)

ҲАР КУНИМИЗ НАВРЎЗ БЎЛСИН!



ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ НАВРЎЗ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

Азиз юртдошларим, қадрдонларим!

Муҳтарам меҳмонлар!

Биз Ватанимиз ва эл-юртимизнинг тарихий сана ва айёмларига бағишланган байрамларни катта тайёргарлик ва хурсандчилик билан ўтказамиз.

Лекин, ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкин: айти шу кунларда қутлуғ қадамлари билан диёримизга кириб келаётган, баҳор, яшариш ва янгиланиш рамзи, шарқона янги йил деб очаси бўлмиш Наврўзи оламни кутиб олиш ва ўтказиш маросимлари ва хурсандчилигини ҳеч қайси байрам билан солиштириб, қиёслаб бўлмайди, албатта.

Бугун, шу фурсатдан фойдаланиб, мана шу гўзал майдонда байрамона кайфият билан жамулжам бўлиб ўтирган сиз, азизларга, сизларнинг тимсолингида бутун халқимизга ўзимнинг чуқур ҳурмат-эҳтиромимни, меҳр-муҳаббатимни билдириб, Наврўз айёми билан табриклаш — мен учун катта бахт.

Азиз дўстларим!

Наврўз айёмини халқимиз нақадар орзиқиб ва интизор бўлиб кутиб олаётгани, бу байрамни энг қадимий ва асл миллий байрам сифатида ана шундай ардоқлаб ўтказишимиз, ҳеч шубҳасиз,

бежиз эмас ва **бунда чуқур маъно-мазмун бор.**

Бунинг сабабини аввало Наврўз ғояларида минг йиллар давомида, «Авесто» замонларидан буён халқимизнинг безавол сақланиб келаётган қадимий урф-одат ва удумлари мужассам топганида, ҳамоҳанг бўлганида кўришимиз даркор.

Бундай муносабат — аввало кўҳна ва буюқ тарихимизга, улуғ аждодларимиз қолдирган меросга, бой маданиятимизга ҳурмат-эҳтиром билан қараш деганидир. Шу билан бирга, бундай муносабат — узоқ ва яқин ўтмишимиз давомида, ўта мураккаб дамларда қандай қийин бўлмасин, қандай оғир синовлардан ўтишга тўғри келмасин, муқаддас қадриятларимизга хиёнат қилмасдан, уларга доимо садоқатли бўлиб яшаётганимиз, уларни эъзозлаб, авайлаб, янги авлодга етказиб келаётганимизнинг ёрқин ифодаси ва тасдиғидир, десак, айти ҳақиқатни айтган бўламиз.

Наврўзи олам ўлкамизга қадам қўйиши билан ҳар биримиз ён-атрофимиздаги мавжудотнинг уйғониши, куртаклар ва гул-чечаклар очилиши, еру кўк бағрида юз бераётган ўзгаришлардан, баҳор нафасидан баҳраманд бўламиз, она

табиатимизнинг узвий ва ажралмас бир қисми эканимизни беихтиёр чуқур ҳис қиламиз.

Айни шу паллада худдики табиат олами билан уйғун ва муштарак бўлиб, бу осуда ҳаётни ҳар бир кунининг қадрига етиб, шукроналик ҳиссиёти билан яшаш кераклигини яна ва яна бир бор англаймиз.

Бундай ажойиб лаҳзаларда миллати, тили, динидан қатъи назар, юртимизда яшаётган ҳар қайси инсон, ҳар қайси оила шоду хуррамлик билан баҳор соғинчи ва орзу-ниятларини, ёруғ чехрасини намоён этишга интилади.

Шу файзли, шодиёна кунларда ҳар қандай гина ва аразлар, низо ва адоватлар унутилади, юртдошларимиз сумалак, ҳалим, кўксомса каби тансиқ таомлар тортилган дастурхонлар атрофида тўпланиб, қалбини дунёга кенг очиб, Наврўз неъматларини, байрам қувончини яқинлари, ёру биродарлари билан баҳам кўришни истайди.

Барча-барчага соғлиқ-омонлик, бахт-саодат тилайди, табаррук кексаларни зиёрат қилишга, уларнинг дуосини олишга ҳозир бўлади.

(Давоми 2-саҳифада)

АЛИШЕР НАВОЙИ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ БОҒИДА НАВРЎЗ БАЙРАМИ ТАНТАНАЛАРИ БЎЛИБ ЎТДИ

Она заманимизни ям-яшил либосга бурқаб, ўзининг бетакрор кўрку жамоли, баҳорий насимлари, қиру адирларда кулаётган бойчечагу лолалари билан юртимизга Наврўзи олам кириб келди. Наврўз — бу тиниқ осмон, яшил борлик, меҳнат ва муҳаббат, гул ва алёрларнинг муштарак рамзи. Атрофга сумалакнинг хуш бўйи, қир-адирларда улоқчи отларнинг мағрур кишнаши, давраларда бел олишаётган алп йигитларнинг ўктам ҳайқириқлари, қошларини ўсма безаган қизлар кулгуси таралади.

Вужудимизни ҳаёт-бахш умидлар қамраб олади. Янгиланиш фасли қалбларда акс-садо беради. Улуғ бунёдкорликнинг абадий қудрати ўзига чорлайди. Борлиқ инъом этган ободлик, поклик, янгиланиш ва яратиш завқи одам ва оламни боғлайди.

Юртимизга уйғониш, янгиланиш ва яшариш фасли ана шундай кириб келади. Табиат қудрати, бирдамлик, бунёдкорлик ва эзгулик тимсоли — Наврўз бошланади.

19 март. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи байрамона безатилган.

Бу ерга сенаторлар ва депутатлар, ҳукумат аъзолари, фан, маданият, спорт ва санъат намоёндалари, ишлаб чиқариш илғорлари, тадбиркорлар, табаррук отахону онахонлар, турли соҳаларда меҳнат қилаётган юртдошларимиз, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатлар элчихоналари ва халқаро ташкилотлар вакиллари ташриф буюрган.

Соат 10:00. Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам

Каримов кириб келади.

Байрам тантанасига йиғилганлар давлатимиз раҳбарини қарсақлар билан кутиб олади.

Чорлов мусиқаси янграйди.

Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга берилади.

Давлатимиз раҳбари халқимизни баҳор, янгиланиш ва яшариш рамзи — Наврўз байрами билан муборакбод этади.

Муаззам майдоннинг атрофида турфа ранглардаги байроқчалар хилпирайди, улкан ҳаво шарлари майин эпкинда тебранади. Саҳна теграсида ўрнатилган анвойи гуллар жонланиб, қуёшнинг заррин нурларида жилланади. Ҳаёт абадийлиги тимсоли бўлган чархпалакларнинг бир маромда айланиши, халқимизнинг обод ва файзли хонадонларини эслатувчи сўрилар, чаппар уриб гуллаган ўриклар, шўх-шан учаётган қалдирғочларнинг саси юракларда ажиб ҳисларни уйғотади.

Шундай фарахбахш дамларда она табиатда рўй бераётган яшариш, янгиланишларни қалбидан ўтказаяётган ҳамюртларимиз кўнглида шодлик, яна бир Наврўзга, гўзал ҳаётнинг бебаҳо неъматларига эсон-омон етганимиз, эл-юртимиз тинчлиги ва фаровонлиги учун шукроналик туйғулари жўш уради.

Майдон узра карнай-сурнай ва ноғоралар садоси янграйди, жарчиларнинг чорлови байрам бошланганидан дарак беради. Гўё уларнинг садоси она заминни қиш уйқусидан уйғотиб, борлиққа баҳор сепини ёйганидан хабардор қилади.

(Давоми 2-саҳифада)

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ НАВРЎЗ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

(Давоми, аввали
1-саҳифада)

Шу мўтабар айёмда беморлар, етим-есирларнинг, муҳтож инсонларнинг кўнглини, руҳини кўтариш, барча савоб ишларни амалга ошириш — буларнинг ҳаммаси халқимизнинг қон-қони, онг-онига сингиб кетганидан, яхшилик ва эзгуликни доимо юрагида сақлаб келаётганидан дарак беради.

Айни шундай пайтларда ўзимга ўзим бир савол бераман. Дунёда бизнинг меҳрибон, меҳмондўст халқимизга ўхшаган халқни топиш мумкинми ўзи? Аминман — ҳеч қачон!

Азиз дўстларим, биродарларим, бизнинг халқимиз нимани истайди? Аввало, ўз юртида ва қўшни минтақаларда, бутун оламда тинчлик-осойишталик ҳукм суришини, турли-турли ҳудудларда давом этаётган можаро ва қарама-қаршиликлар куч ишлат-

масдан, фақатгина тинчлик йўли билан, сиёсий музокаралар йўли билан ҳал қилинишини хоҳлайди.

Ўз осмонининг мусаффо бўлишини, тинчлик барқарор бўлган ҳаётни истайдиган халқимиз ўзгаларга ҳам айни шундай тилакларни раво кўради.

Фурсатдан фойдаланиб, бизга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиб, бугун мана шу даврада ўтирган чет давлатларнинг муҳтарам элчиларини, халқаро ташкилотлар вакилларини, бутун дипломатик корпусни, олис ва яқиндаги мамлакатларнинг халқларини Наврўз байрами билан табриклаб, уларга равақ ва фаровонлик тилашга ижозат бергайсиз.

Муҳтарам дўстларим!

Менинг истагим — мана шу шуқуҳли, тароват сочилиб турган дамларда шу муаззам боғда бизга меҳр билан боқиб турган буюк Алишер Навоий бобомизнинг «**Ҳар кунимиз Наврўз бўлсин!**» — деган тилакларини худди янгитдан қулоғимизга ча-

лингандек туюлсин, шундай хуш кайфият сиз, азизларимга, бутун эл-юртимизга доимо ёр бўлсин.

Бугун ҳаётга кириб келаётган, битлаги куч-қувватга тўлиб бораётган йигит-қизларимизнинг очик чехрасига боқиб, айтмоқчиман — барчамиз бир нарсани эсимиздан чиқармаслигимиз зарур: Ватанимизнинг тараққиёти ҳақида, дунёнинг ривожланган демократик давлатлари қаторига кўтарилишимизни аввало сиз, униб-ўсиб келаётган ёшларимизнинг салоҳияти, билимга чанқоқлиги ва илму фан чўққиларини ўзлаштиришингизга, **етук ва баркамол авлод бўлиб вояга етишингизга қараб халқаро жамоатчилик бизнинг нималарга қодир эканимизга баҳо беради.**

Шунинг учун ҳам биз ўзлигини, ўз қадр-қимматини, Ватани олдидаги ўз бурчини чуқур англаган, ўз олдига баланд марралар қўйиб, дунёдаги барча

тенгдошлари билан беллашувга тайёр фарзандларимни **бизнинг ишончимиз ва таянчимиз, ҳал қилувчи кучимиз, деб юксак қадрлаймиз** ва сиз ёшларимизни эъзозлаб камол топтиришда ўзимизни ҳеч қачон аямаймиз.

Азиз ва навқирон, кўзни қувонтирадиган болаларим — Наврўзи олам барчангизга баҳордек очилиш, бахт ва омад, севги-муҳаббат олиб келсин, энг эзгу орзуларингизни рўёбга чиқариш сизга насиб этсин.

Азиз қадрдонларим!

Осмонимиз мусаффо, юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!

Хонадонларимиздан меҳр-оқибат, файзу барака аримасин!

Табаррук оталаримиз, мунис оналаримизнинг умрлари узоқ бўлсин, ака-укаларимиз, опа-сингилларимизнинг кўнглидаги пок ниятлари ижобат бўлсин!

Наврўзи олам барчамизга муборак бўлсин!

(Давоми, аввали
1-саҳифада)

«Фасли навбахор ўлди, кетибон зимистонлар...». Кўнгилларга баҳорий илиқлик, кўклам сурурини бахш этган сеҳрли оҳанглар оғушида юртимизнинг хусн-малоҳатда тенгсиз табиати, бетакрор қадимий обидаларию замонавий меъморчилик анъаналари асосида қад ростлаган муҳташам иморатлари, шаҳар ва қишлоқларимизнинг кўрку тароватли қиёфаси кўз ўнгимизда гавдаланади.

Халқимиз азалдан табиат уйғонадиган, йил янгиладиган, дилларда янги орзумидлар туғилладиган кунни катта шоду хуррамлик, бунёдкорлик ва яратувчилик ишлари билан кутиб олган. Отабоболаримиз Наврўзга покизалик, яхши орзу-ниятлар билан пешвоз чиққан. Чунки тозалик, саранжом-саришталик бор жойда кут-барака, сихат-саломатлик бўлади.

Бу йилги байрам ҳам диёримизнинг барча шаҳару қишлоқлари, овул ва маҳаллаларида фусункор ва кенг миқёсда — умумхалқ сайиллари тарзида кўтаринки руҳда нишонланаётир.

Президентимиз Ислам Каримовнинг жорий йил 24 февралда қабул қилинган «2014 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори энг ардоқли ва асл миллий байрамимизни муносиб кутиб олиш учун асос бўлди.

Ушбу қарорга мувофиқ юртимизнинг барча гўшаларида энг қадимий байрамимизни миллий қадриятларимизга ҳамоҳанг равишда халқ сайиллари тарзида нишонлашга қаратилган «Ҳар кунимиз Наврўз бўлсин!» деган ғояни ўзида мужассам этган кенг кўламли тадбирлар амалга оширилди.

Баҳорнинг дастлабки кунларидан юртимизда ободон-

ҲАР КУНИМИЗ НАВРЎЗ БЎЛСИН!



лаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари авжига чиқди. Қишнинг рутубатли кунларидан сўнг уй-жойлар саранжом-саришта қилинди. 15 март куни мамлакатимиз бўйлаб уюштирилган умумхалқ хайрия ҳашарида маҳалла ва кўчалар тозаланди, хиёбону боғлар, корхона ва ташкилотлар атрофи ободонлаштирилди. Табаррук қадамжолар, қабристонлар тартибга келтирилиб, мевали ва манзарали дарахтлар, гул кўчатлари ўтказилди. Кам таъминланган оилалар, ёлғиз кексалар, ногиронлар ҳолидан хабар олинди, уйлари тартибга келтирилиб, байрам совғалари улашилди. Буларнинг бари меҳр-оқибат, муҳтожларга ғамхўрлик кўрсатиш, инсонпарварлик ғоялари жамиятимизнинг устувор мақсадига айланганидан дарак беради...

...Саҳнага келажимиз

эгалари — болажонлар кириб келади. Улар ўзларининг шўхшодон кўшиқлари, жозибдор рақслари билан болалик оламининг гўзал ва бахтиёр онларини мадҳ этади.

Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур, қудратли юртнинг фарзандлари соғлом бўлур. Давлатимиз раҳбарининг ана шу ғоясини ҳаётга татбиқ этиш мақсадида мустақилликнинг илк йиллариданоқ мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Барча саъй-ҳаракатларимиз жисмонан бақувват, фикри соғлом, имон-этиқоди бутун, билимли, маънавияти юксак, мард ва жасур, ватанпарвар авлодларни тарбиялаб вояга етказишга қаратилган.

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан

2014 йил мамлакатимизда Соғлом бола йили, деб эълон қилинган ана шу ғамхўрликнинг амалдаги яна бир ёрқин ифодаси бўлди.

Давлатимиз раҳбари раҳнамолигида она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, ҳар жиҳатдан соғлом авлодни вояга етказишга қаратилган «Соғлом она — соғлом бола» дастури доирасида улкан ишлар амалга оширилди. Болаларнинг соғлом туғилиши ва соғлом улғайиши учун шароит яратиш, ижтимоий ҳимояни кучайтириш, таълим тизимини такомиллаштириш, болалар спортини ривожлантириш каби соҳалардаги изчил ишлар бир-бирини тўлдириб, узвий тизим шаклини олди. Бугун замонавий тиббий марказлар, таълим муассасалари, спорт иншоотлари ҳар жиҳатдан соғлом ва бар-

камол авлодни тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Сўнги ўн йилда даволаш-профилактика муассасаларини модернизация қилиш ва энг замонавий ускуналар билан жиҳозлаш учун 750 миллион АҚШ долларидан зиёд маблағ йўналтирилди.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизнинг 92 фоиз ўғил-қизлари ривожланиш кўрсаткичлари бўйича Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларига тўла мос келади. «Save the Children» халқаро ташкилоти рейтингига кўра, Ўзбекистон дунёдаги болалар саломатлиги тўғрисида энг кўп ғамхўрлик кўрсатадиган ўнта мамлакат қаторидан жой олди.

Мамлакатимизда соғлом, баркамол авлодни вояга етказишнинг асосий воситаси сифатида спортни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўртбошимиз ташаббуси билан ташкил этилган уч босқичли узлуксиз спорт тизими — «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», Универсиада спорт мусобақалари навқирон авлодни спортга кенг жалб этиш билан бирга Ватанимиз байроғини халқаро майдонларда баланд кўтарадиган спортчиларни кашф этишда ғоят катта аҳамият касб этаётир. Болалар спортини ривожлантириш борасида мамлакатимизда яратилган тизим ва тўпланган тажриба жаҳонда кўпчиликда қизиқиш ва ҳавас уйғотмоқда.

Бу борадаги кенг кўламли саъй-ҳаракатлар самараси фарзандларимизнинг саломатлигида, жисмоний кўрсаткичларида ҳам намён бўлмоқда. Ўртача вазн кўрсаткичи 14 ёшгача бўлган ўғил болалар ўртасида 43 килограммдан 47 килограммга, қизлар ўртасида эса 44 килограммдан 48 килограммга ортган.

(Давоми 3-саҳифада)

(Давоми, аввали
1-, 2-саҳифада)

Болаларнинг бўйи ўғил болалар ўртасида ўртача 3 сантиметрга, қизлар ўртасида эса 2,9 сантиметрга ўсгани халқимизнинг соғлом болани тарбиялаш борасидаги эзгу орзу-умидлари ушалаётганидан далолат беради.

...Саҳнани тўлдирган болакайларнинг чиқишларида ҳам бу жиҳатлар ўз ифодасини топади. Уларнинг майдон узра янграётган шўх-шодон кулгилари, она Ватанни, кўкларни, бахтиёр болаликни, мустақил юрт фарзандларининг беғубор ва қувноқ дамларини мадҳ этувчи жарангдор куй-қўшиқлари, жозибадор рақслари барчага завқ-шавқ улашади...

Тинчлик ва осойишталик, ахиллик ва бирдамлик ҳукмрон, фидойилик, изланиш, ташаббус ва ҳалол меҳнат қадрланган юртда қут-барақа бўлади. Буни мамлакатимизда иқтисодий барқарорлик, юксалиш суръатлари давом этаётганида яққол кўриш мумкин. Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар самарасида 2013 йилда аҳоли турмуш даражасини изчил юксалтириш таъминланди, Ўзбекистоннинг дунё бозоридаги позицияси мустаҳкамланди. Мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 8 фоизга ўсди.

Янги иш жойлари ташкил этиш, айниқса, ёшларни ва хотин-қизларни иш билан таъминлашга қаратилган эътибор натижасида аҳоли турмуш даражаси юксалиб бормоқда. Ўтган йили бир миллионга яқин янги иш ўрни яратилди, аҳолининг реал даромадлари миқдори муттасил кўпайишига эришилди.

Ижтимоий соҳани ислох этиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар жараёнида қишлоқлар қиёфасини тубдан ўзгартириш, намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қуриш, қишлоқда замонавий инфра-тузилмани шакллантириш ҳисобидан аҳоли ҳаёт даражасини янада яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида замонавий уй-жой қуриш дастурининг амалга оширилиши натижасида 2009-2013 йилларда мамлакатимизнинг 159 қишлоқ туманида 900 дан ортиқ янги уй-жой массивлари барпо этилди, 33,5 мингдан зиёд яқка тартибдаги уй-жой қурилди. Булар Президентимиз раҳнамолигида Ватанимизни ҳар томонлама обод қилиш, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдек олий мақсад йўлида амалга оширилаётган беқиёс ишларнинг амалдаги ифодасидир.

Бу 2013 йил 16-17 апрель кунлари мамлакатимизда бўлиб ўтган «Замонавий уй-жой қурилиши — қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили»

ҲАР КУНИМИЗ НАВРЎЗ БЎЛСИН!

мавзусидаги халқаро конференцияда нуфузли халқаро ташкилотлар вакиллари, уй-жой қурилиши соҳасидаги йирик компаниялар раҳбарлари, етакчи мутахассислар томонидан эътироф этилди.

Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбари Ислон Каримов томонидан ишлаб чиқилган та-

лариди Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг бадий-фольклор ва этнографик жамоалари чиқишлари кенг ўрин берилган. Ҳар бир ҳудуднинг ранг-баранг дастурларида унинг ўзига хос анъаналари, лапару ўланлари, рақс ва ҳазил-мутойиба, бахшилар айтишуви ижро этил-

лоҳиятини тўла намойиш этиши мумкин.

Юрти тинч, кўнгли хотиржам халққа тўй ва тантаналар ярашади. Халқимиз бу олий неъматни доим улуглаб келишининг, Яратгандан доимо тинчлик ва осойишталик, фаровонлик ва ободлик тилашининг сабаби



Сарвар ЎРМОҢОВ, Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎЗА) олган суратлар

раққиётнинг «Ўзбек модели»нинг ўзига хос жиҳатларидан бири қишлоқларимизни изчил ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилаётганидир. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганидек, барчамизнинг илдизимиз, томиримиз авваламбор қишлоқ заминига бориб тақалади.

Бугунги кунда юртимизнинг барча ҳудудларида намунавий лойиҳалар асосида халқимизнинг миллий ҳаёт тарзи, ҳудудларнинг табиий иқлим шароити, шу билан бирга, замонавий муҳандислик-коммуникация тизимлари билан уйғун ҳолда, баҳаво, кенг, қулай ва ёруғ қилиб бунёд этилаётган уй-жойлар қишлоқ аҳолисининг муносиб ҳаёт кечирishi борасидаги орзуларини рўёбга чиқармоқда. 2013 йилда 353 қишлоқ массивида барпо этилган 10 мингта шинам уйлар минглаб оилалар ҳаётида ана шундай янги даврни бошлаб берди.

...Саҳна теғрасидаги йирик мониторларда юртимизда эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш, халқимизнинг, шу заминда яшаётган ҳар бир инсоннинг орзу-ниятларини рўёбга чиқариш, қишлоқда турмуш даражасини юксалтириш мақсадида изчиллик билан амалга оширилаётган эзгу ишларнинг самаралари акс этган тасвирлар байрам иштирокчилари қалбида эришган ютуқларимиздан фахрланиш ва мамнуният туйғуларини жўш урдиради...

Бу йилги Наврўз тантана-

ди. Ҳур диёримизда бир тану бир жон бўлиб яшаётган барча миллат ва элатлар вакилларининг бадий чиқишлари қалбларни фаҳрга тўлдирди.

Истиқлол йилларида миллий мусиқамизни чуқур ўрганиш ва ривожлантириш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Шашмақом, Катта ашула, Наврўз инсониятнинг энг дурдона кашфиётлари сифатида ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон номоддий мероси рўйхатида киритилди. Бу халқимизнинг минг йиллик қадриятлари умуминсоний цивилизация ривожига улкан ҳисса қўшгани, одамзотни эзгуликка, бирдамликка, тинч-тотув яшашга, табиатнинг абадий мувозанатини асрашга ундаб келаётганининг юксак эътирофидир.

...Мақом, фольклор-этнографик ансамблларининг чиқишларида, турфа рақсларда, халқ ўйинларида кўп минг йиллик тарихга эга, гўзал ва бетакрор байрамимизнинг ноёб қирралари ўз аксини топган.

Юртимиздаги тинчлик ва осойишталик мустақиллик йилларида Президентимиз раҳнамолигида халқимиз эришган энг буюк ютуқдир. Улуғ аждодларимиз тинч мамлакат бахтли, саодатли мамлакатдир, деб бежиз айтмаган. Зеро, тинчлик ҳукмрон юртдагина инсон буюк ва эзгу орзуларни кўнглига тугиши ҳамда уларнинг ушалишидан қалби қувончга тўлиши, ўз иқтидори, қобилияти ва са-

шунда. Президентимиз Ислон Каримов таъбири билан айтганда, Ўзбекистонимиз мустақил тараққиёт йўлида қандай улкан, бошқаларнинг ҳавасини тортадиган ютуқ ва марраларга эришган бўлса, буларнинг барчасининг негизи – юртимизда тинч ва осуда ҳаёт, миллатлар ва фуқаролараро тотувлик, ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатликни асраб-авайлаб келаётганимиздир.

— Ўзбекистонда ҳар бир байрам кўтаринки руҳда нишонланади, — дейди Япониянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Фумихико Като. — Наврўз байрамининг ўзига хос шукуҳи мени мафтун қилди. Байрам тантанасидаги улғуворлик, одамлар юз-кўзидаги қувонч ва шодлик юртингиздаги тўкинлик, фаровонлик ва осуда ҳаётдан дарак бериб турибди.

...Халқимиз Наврўзни ҳар йили ўзгача соғинч, интиқлик билан кутиб олади. Ёшу қари кўча ва хиёбонларга, сайилгоҳларга, қиру адирларга интилади. Сайил қизигандан қизийди: бахшилар дўмбира чертади, ҳофизу хонандалар хониш қилади, терма ва лапарлар янграйди, аскиячи ва қизикчиларнинг хангомаю пайровлари кўнгилашга шодлик улашади. Кишилар дорбозлар баҳси, масхарабозу кўғирчоқбозларнинг томошалари, пойга, улоқ-кўпқари, кураш, мерганлик мусобақа-

ларидан завқланади.

— Наврўз бизни табиатга янада яқинлаштиради. Барча саъй-ҳаракатлар инсон учун, Ватан равнақи, юрт тинчлиги, юксалиш ва фаровонлик учун хизмат қилишига ишонч-этиқодимизни оширади, — дейди Жиззах вилояти Зомин туманидаги «Тинчлик» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Гулсара Усмонова. — Бу йилги Наврўз тантаналарида Соғлом бола йилининг олижаноб мақсадлари мужассам этилгандир.

Наврўз биз учун бунёдкорлик ва яратувчилик байрами сифатида ҳам қадрлидир. Наврўздан Наврўзгача мамлакатимизда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилади. Бу эзгу анъана бу йил ҳам давом этди. Умумий қиймати 2 миллиард 700 миллион АҚШ долларидан иборат бўлган ишлаб чиқариш йўналишидаги 150 лойиҳани амалга ошириш ишлари ниҳоясига етказилди. Тошкент ва Наманган вилоятларида замонавий тўқимачилик комплекслари, Жиззах ва Хоразм вилоятларида тўқув-йигирув, Самарқанд вилоятида спорт пойабзаллари ишлаб чиқариш корхоналари фойдаланишга топширилди.

2013 йилда 146 замонавий тиббиёт муассасаси фойдаланишга топширилди. 756 таълим маскани, мусиқа ва санъат мактаблари, болалар спорти объектлари янгидан қурилди, реконструкция қилинди ва капитал таъмирланди.

Мамлакатимиз автомобил-созлари Соғлом бола йилида яна бир янги автомобиль — «Chevrolet Orlando» оилавий минивэнини ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Бундай саъй-ҳаракатлар моҳиятида юртдошларимизнинг турмуш тарзини янада яхшилаш, фаровон ва тўкин ҳаётни таъминлашга интилишдек эзгу ниятлар мужассам.

...Муаззам саҳнада санъат усталари, ёш ижрочиларнинг она юртини, истиқлолни, янгилашни ва яшариш айёмини, муҳаббатни мадҳ этган чиқишлари қалбларни тўлқинлантиради. Мусиқий оҳанглар, дилтортар рақслар, бетакрор саҳна манзаралари кишига завқ-шавқ бағишлайди. Бундай шукуҳли дамларда Ватанга муҳаббат ва садоқат, ўзгаларга меҳр-оқибат кўрсатиш туйғуси жону танимизда янада теранроқ сингаётганда.

Байрам тантаналари сунъий йўлдош орқали кўплаб хорижий мамлакатларга тўғридан-тўғри узатилгани истиқлол йилларида халқимиз эришган улкан ютуқлар, Ватанимиз тинчлиги, эл-юртимиз тараққиёти ва фаровонлиги йўлида амалга оширилаётган улғувор ишларнинг амалдаги яна бир яққол намойиши бўлди.

Бугун юртимизда, унинг барча шаҳар ва қишлоқларида Наврўз сайли, шодиёналар давом этмоқда.

**Матназар ЭЛМУРОДОВ,
ЎЗА мухбири**

2014-yil — Sogʻlom bola yili

ЯККА ТАРТИБДАГИ ТАЪЛИМ САМАРАЛАРИ

Президентимиз Ислам

Каримов раҳнамолигида ёшларнинг маънавияти таълим-тарбия олиши, истеъдоди ва салоҳиятини рўйбга чиқариши учун барча шароит ва имкониятлар яратилмоқда.

Бу жараёнда жисмоний имконияти чекланган болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофазалаш, уларни интеллектуал, маънавий-ахлоқий ривожлантириш, фойдали меҳнатга жалб этиш орқали жамиятга интеграциялашувини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

2003 йилда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари томонидан услубий йўриқнома ишлаб чиқилиб, узоқ вақт даволашига муҳтож болаларнинг якка тартибдаги таълими самарали йўлга қўйилди. Махсус таълимга оид ўқув-услубий адабиётларни ишлаб чиқиш ва чоп этиш йилдан-йилга такомиллашган, якка тартибдаги таълимга жалб этилган ўқитувчиларнинг моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватланаётгани таълим-тарбия сифати юксалишига хизмат қилаётди.

Айни пайтда мамлакатимизда якка тартибда ўқиётган болаларнинг аксарияти компьютер ва мультимедиа дастурлари билан таъминланган. Энг муҳими, улар Ziyonet тармоғи орқали замонавий усул — масофавий таълимга жалб этилди. Ушбу усулдаги таълимда йигирмага яқин ўқув дарслиги, юздан ортқ бадиий асарларнинг электрон вариантдан фойдаланилаётгани ўқувчиларнинг билим ва муайян касб-хунарларга қизиқишини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

«Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида имконияти чекланган болаларни зарур ўқув қуроллари ва дарсликлар билан таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар кўлами янада кенгаймоқда.

...Насиба опанинг ўғли Элдор туғма синувчанлик (остогенез) касали билан дунёга келди. Шифокорлар боланинг тана ҳаракатини таъминловчи таянч суяклари 17-18 ёшга бориб мустаҳкамлашишни, бунинг учун болани авайлаб-асраш зарурлигини айтишди. Мактаб ёшига етгач, болакай уйда якка тартибда таълим ола бошлади.

Ҳозир Элдор Шайхонтоҳур туманидаги 320-умумтаълим мактабининг 9-синфида таҳсил олади. Интилувчан ва тиришқок. Уйига келиб меҳр билан дарс берувчи устозларини яхши кўради. Фанларни қунт билан ўзлаштиришга

ҳаракат қилмоқда. Давлатимиз томонидан кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликдан, иқтидорини намён этиши учун яратилаётган имкониятлардан миннатдор. Айниқса, у ўзига компьютер совға қилинганидан хурсанд.

Компьютер ва ахборот-коммуникация технологиялари ҳар бир соҳага чуқур кириб бораётган бугунги кунда замонавий технологиялар имкониятларидан самарали фойдалана билиш давр талабига айланди. Шу боис ёшларни илм-фан ва техниканинг сўнгги ютуқларидан хабардор этиш, бу борадаги билимларини бойитиш ва оқилона фойдаланиш кўникмасини шакллантириш замон билан ҳамнафас яшаш имконини беради.

— Бўш вақтларимда расм чиқишга қизиқаман, — дейди Элдор. — Табиат гўзалликларини тасвирлашга интиламман. Компьютерга эга бўлганимдан кейин «Point» график дастурида ишлашни ўргандим.

Элдор расмларни ўзига хос иштиёқ билан чизади. Унинг суратларида беғуборлик ва самимият уфуриб туради. Шу сабаб таълим муассасасида ҳаваскор расмнинг ижод маҳсуллари кўпчилигининг эътирофига сазовор бўлаётди.

Дилшод КАРИМОВ,
ЎЗА муҳбири



Р. Назарматов олган сурат

■ **Mening fikrim** ■

ТЎҲУҲ
НИҲҲ
ЛНҲ

Китоб инсоният кашф этган ихтироларнинг энг буюғи ва энг қадрлисидир. Замонлар ўтса-да, унинг аҳамияти ҳеч қачон йўқолмайди. Донолар китоб ва китобхонлик ҳақида фикр билдирар экан, адабиёт билан ошно қалбга ҳеч қачон ёмонлик ин қурмаслигини таъкидлашади.

Китоб ва китобхонлик ҳақида гап кетар экан, болаларга китоб ўқишни ўргатиш, уларни бадиий адабиёт билан ошно қилишда қандайдир усуллардан фойдаланиш керакми, деган савол туғилади.

Ҳар бир ота-она фарзандининг келажакига масъулдир. Уни моддий жиҳатдан тўла таъминлаш билан бирга фарзандининг маънавий оламини бойитадиган, ақлини пешлайдиган, дунёқарашини кенгайтирадиган жиҳатларга ҳам эътибор қаратиши лозим.

Отанинг ўзи китобхон бўлса, бу одат болада ҳам аста-секин шакллана боради. Зеро, халқимиз бежизга «Қуш уясида кўрганини қилади», демаган.

Китоб ўқиш яхши, лекин энг муҳими, қандай китоб ўқиш, китобни қандай ўқишга боғлиқ.

Таниқли адиб Асқад Мухторнинг китоб мутолааси ҳақида қуйидаги қимматли фикрлари жуда ўринли: «Ўқишлар ҳар хил бўлади. Биров эрмак учун ўқийди, биров ҳордиқ чиқариш учун, биров ўқиётган китобини илмий таҳлил қилиш учун, яъни «бурч юзасидан». Биров бўлак машғулот бўлмагандан, вақт ўтказиш учун, биров ниманидир билиб олиш учун. Биров асардаги воқеага, қаҳрамоннинг тақдирига қизиқиб ўқийди». Лекин бизнинг мақсадимиз китобни ўз ўрнида, вақтида ўқишдир.

Кўпчилик оилаларда ойлик-маош олинганда рўзгор харажатлари учун пул тақсимланади. Озиқ-овқат, кийим-кечак учун сарфланадиган пул доимо режа асосида ишлатилади. Шу режали рўйхатга фарзандига китоб харид қилиш учун ҳам озгина пул ажратилса фойдадан холи бўлмайди.

Оилада болани китобга қизиқтириш, уни китоб дўконига олиб бориш ва бола ўйинчоқ ёки кийим танлагандек, ўзи китоб танлашини ташкил этиш лозим.

Ҳар сафар китоб танлашга одатланган бола кейинчалик қандай китобни ўқиш кераклигини тушуниб етади. Бунда боланинг дунёқараши ўсганлигини ҳам кузатишингиз мумкин. Агар ҳар бир ота-она буни доимий одатга айлантириб борса, болада китобга меҳр уйғонади. Ва, у, шубҳасиз, келажакда ўз мевасини беради.

Жавлон РАҲМОНОВ,
Тошкент давлат аграр университети талабаси

■ **Tashabbus** ■

«КАМОЛОТ»ДАН ХАЙРИЯ АКЦИЯСИ



Наврўз умумхалқ байрами олдидан «Камолот»чилар хайрли ишга қўл уришди. Ҳаракат лойиҳаларида қатнашиб, голиб бўлган ёш тадбиркорларнинг ташаббуси билан ота-она меҳридан маҳрум бўлган болалар учун хайрия маблағлари йиғилди.

Ўтган ҳафтада «Камолот» ЁИХ худудий кенгашлари қошидаги «Ёш тадбиркор» консультатив марказларининг координатор ва бизнес-тренерлари учун ўқув оромгоҳи ташкил қилинган эди. Ўқувлар-ку ўз йўлига, фақат битта воқеани ҳисобга олмаганда. Анъанавий машғулотларнинг бирида иштирокчиларда

кутилмаганда хайрия аукционини ташкил қилиш фикри туғилди. Таклиф ва муҳими, уни амалга ошириш йўли ҳаммага маъқул келди. Оромгоҳнинг ўзида ҳар бир ёш ўзига тегишли бўлган бирор нарса ёки буюмни очиқ савдога қўйди. Йиғилган маблағ оз эмас. Ҳарқалай, бир гала болаларнинг кўнглини

хайрияни Марказий Кенгаш аппарати раҳбарияти ва ходимлари амалга оширишди. Хуллас, ташаббусимиз эзгу тадбирга айланди.

Аукцион ва хайрия қутиси орқали йиғилган маблағлар ҳисобига Наврўз байрами арафасида пойтахтимизнинг Ҳамза туманидаги 30-меҳрибонлик уйида «Камолот»дан хайрия акцияси ўтказилди. Бу ерда 76 нафар ўғил-қиз тарбияланмоқда. Тадбир уларга ҳақиқий байрам кайфиятини улашди. Меҳрибонлик уйига келган ёш тадбиркор, «Камолот» фаоллари ва санъаткорлар болаларга ўқув қуроллари, спорт анжомлари, кийим-кечак ва турли ўйинчоқларни совға қилишди.

— Бугун туғилган куним, 14 ёшга тўлдим, — дейди меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Артём Горюнов. — «Камолот»дан меҳмонларнинг келиши ҳаммамиз учун қутилмаган, ажойиб тўхфа бўлди. Киноактёр Адиз Ражабов менга футбол коптоғи совға қилди. Шу пайтгача бу инсонни фақат фильмларда кўрадим-да. Меҳмонлар билан маза қилиб Наврўзни нишонладик. Биз учун байрам дастурхони безатилди. Миллий таомларимиздан ош, кўк сомса, сумалак тортилди. Жуда хурсандман.

Наргиза БАҲОДИРОВА,
Рустам Назарматов олган сурат.

ЭЗГУ АНЪАНА ДАВОМЧИЛАРИ

Наврўзда халқимизга хос эзгу қадриятлар ўзининг бор жозиба ва тароватини кўз-кўз қилади гўё. Ҳар йили энг улғ айёмлар олдидан ўтказиладиган умумхалқ хайрия ҳашарлари ёшлар қалбига эзгулик уруғларини қадайдиган, уларда тозалик-озодалик, саришталик, юртнинг ҳар қарич ерини обод этиш кўникмаларини шакллантирадиган шундай қадриятларимиздан биридир. 15-16 март кунлари юртимиз бўйлаб навбатдаги умумхалқ хайрия ҳашари ўтказилди.



Рустам Назарматов олган сурат

Эрта тонгдан ҳашарга отланган юртдошларимиз кўча ва хиёбонларни, ариқ ва зовурларни тозалаб, чиқиндиларни чиқаришди. Дарахтларга шакл бериб, оқлашди. Яхши ниятлар билан манзарали кўчатлар ўтқазилди. Бу борада «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг барча туман, шаҳар, вилоят кенгашлари ҳам кенг кўламли ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини амалга оширишди.

«Камолот»чилар Наврўз умумхалқ байрамини муносиб кутиб олиш мақсадида алоҳида тайёргарлик кўришган. Ҳаракат маҳалла ёшлари иштирокида «Ҳашар — ёшларга ярашар» лойиҳасини, таълим муассасаларида «Ҳар бир ёшга бир кўчат» акцияси ва «Қадрият, урф-одат, анъана ва ёшлар» лойиҳасини, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари

ўртасида «Наврўзой», «Баҳор чечаклари», «Бойчечак» каби байрам тадбирларини ўтказиб келаяпти. Ёлғиз қариялар, уруш ва меҳнат фахрийлари ҳолидан хабар олиниб, ёшлар ўртасида «Миллий ўйинлар» фестивали ўтказилмоқда. Таниқли ёзувчи ва шоирлар, маданият арбоблари ҳамда маънавият тарғиботчилари иштирокида давра суҳбатлари ва учрашувлар, варрақлар сайли ташкил этилмоқда.

ХАЙР-САХОВАТ АКЦИЯСИ

Умумхалқ хайрия ҳашари Тошкент вилоятида ҳам кўтаринки руҳда ўтказилди. Ҳашар баҳонасида эл-улус тўғланиб, аввало, ўз хонадонларида, кўчаларида, маҳалласида, сўнг меҳнат жамоалари билан биргаликда ишхоналари атрофида кенг

кўламли ободонлаштириш ишларини бажаришди.

Ҳашарчилар гул кўчат ва довдарахтларга шакл бериб, чор-атрофни турли хил чиқиндилардан тозалашди. Вилоят «Камолот»чилари эса эрта баҳордан «Юртимни обод этаман!» лойиҳасини ташкил этиб, «Ҳар бир ёшга бир ниҳол», «Саховат» акцияларини ҳамда қабристон ва зиёратгоҳларни ободонлаштиришга қаратилган ҳашар ишларини ўтказиб келаяпти.

Вилоят миқёсида ташкил этилган ҳашар ва ободонлаштириш ишларида барча қабристон ва зиёратгоҳлар ободонлаштирилди. Ўн минг тупдан ортиқ манзарали ва мевали кўчат дарахтлари ўтқазилди. Саккиз минг тупдан зиёд дарахтларга шакл берилиб, оқланди. Бундай хайрли ишларда 15 минг нафардан ортиқ ёш, «Камолот» фаоллари, сардорлар иштирок этди. Улар вилоятдаги ёлғиз яшовчи қариялар ҳолидан хабар олиб, байрам совғаларини улашди, томорқаларига ишлов бериб, кўчат экишди.

Шундай тадбирлардан бири Чиноз туманида бўлиб ўтди. Тумандаги «Туркистон» кишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган Уғат ота қабристонидан олиб борилган ҳашарда ёшлар ҳамда маҳалла фаоллари жонбозлик кўрсатди. Юз туп манзарали ва мевали кўчат экилди. Туманда ёлғиз яшовчи кексалар ҳолидан хабар олиниб, томорқалари тартибга келтирилди, байрам совғалари улашилди. 105 ёшли нуруний отахон Абдулаҳад ота Қосимов хонадонидан бўлиб ўтган учрашув ёшларда катта таассурот қолдирди.

— Ҳар йили Наврўз байрами арафасида ёшлар иштирокида қишлоғимизда жойлашган зиёратгоҳ ва қабристонларда ҳашар ўтказилади, — дейди «Туркистон» кишлоқ фуқаролари йиғини раиси Зафар Абдулатипов. — Унда ёш қари бирдек фаол иштирок этади. Бу йилги ҳашарда ёшларимиз ташаббус кўрсатиб, маҳалламизга икки юз туп манзарали кўчат ўтқазилди, қабристонларни қуриб қолган хаслардан тозалашди. «Камолот» фаоллари қишлоғимизда ёлғиз яшовчи қарияларнинг ҳолидан доимий хабар олиб, уларнинг томорқаларига турли экинлар экиб беришади.

— Байрам арафасида ўтказилган бугунги хайрли ишда тенгдошларим янада фаол иштирок этди. Бундай ҳашарларни икки авлод иштирокида мунтазам

ўтказиб туриш лозим, — дейди Чиноз тумани хизмат кўрсатиш ва иқтисодий касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Баҳодир Икромов.

— Вилоятимизда бундай хайрли ишлар йил бўйи давом этади, — дейди «Камолот» ЁИХ Тошкент вилояти кенгаши бўлим мудир Дилором Абдуғафоров. — Бунда қариялар, «Меҳрибонлик» уйлари тарбияланувчилари ҳолидан хабар олинади. Хайрли ишларда фаол қатнашган ёшлар Ҳаракат томонидан рағбатлантирилиб борилади. Энг фаол иштирокчилар эса республикамиздаги тарихий қадамжоларга саёҳатга боришади.

Рустам ЮСУПОВ,
«Turkiston» мухбири

ЯШНАТИШ ЗАВҚИ БИЛАН

Наврўз байрами муносабати билан ўтказилган умумхалқ хайрия ҳашари Бухорода ҳам байрамона руҳда кечди. Айниқса, Бухоро шаҳридаги «Экобоғ»да уюштирилган ҳашар диққатга сазовор бўлди. Ҳаракатнинг вилоят кенгаши ташаббуси билан юздан ортиқ ёшлар шу ҳудудда яшовчи маҳалла аҳли билан ҳамжиҳатликда мазкур боғда 170 та мевали ва манзарали дарахт ҳамда 80 турли гул ниҳолларини ўтқазилди.

Умумхалқ ҳашарида вилоят бўйича 1344 гектар майдон, шунингдек, 936 та қабристон ва зиёратгоҳлар ободонлаштирилиб, 979 километрни ариқ ва лотоклар тозаланиб, 8462 тонна маиший ва қурилиш чиқиндилари белгиланган жойларга 1703 та техника воситалари орқали чиқариб ташланди. Бундан ташқари, маҳалла фуқаролар йиғинларидаги болалар спорт майдончалари тартибга келтирилди. Вилоят бўйича жами 597669 та манзарали ва 442080 та мевали, 400168 туп гул кўчатлари ўтқазилди. 516361 дона дарахтларга шакл берилиб, оқланди.

— Худудимизга қарашли элликта кўп қаватли уй атрофида кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилди, — дейди Бухоро шаҳридаги «XXI аср» уй-жой мулкдорлари ширкати раиси Бахшулла Шукруллаев. — Маҳалла аҳли билан ҳамжиҳатликда 35 тонна маиший ва қурилиш чиқиндилари чиқариб ташланди. Худудда саксон туп арча, 130 туп мевали, 120 донага яқин манзарали дарахтлар ўтқазилди. Ёлғиз кекса-

ларнинг уй-жойларини таъмирлашга кўмаклашилди.

Ҳа, умумхалқ ҳашарида ободлик кўнгилларга кўчади. Бу меҳроқибатли, мурувватли халқимизга яна ҳам ярашади. Шу кунги вилоятда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари, кам таъминланган, кўп болали оилалар, ногиронларга моддий-маънавий ёрдам ҳам кўрсатилди.

Яшнатиш завқи ила уюштирилган умумхалқ ҳашари табиатга ўзгача кўркамлик, кўнгилларга эса яшариш туйғуларини бахш этди.

Лайло ҲАЙИТОВА,
«Turkiston» мухбири

ҲАР БИР ЁШГА БИР НИҲОЛ

Сурхон воҳасида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари ҳар қачонгидан илгари бошлаб юборилган. Ариқ ва зовурлар тозаланиб, мевали ва манзарали кўчат дарахтлари ўтқазилди. Вилоятда ўтқазилган умумхалқ ҳашари амалга оширилган кенг кўламли ободонлаштириш ишларининг мантиқий давоми бўлди, десак, муболағга бўлмайд.

Умумхалқ ҳашарида вилоят миқёсида уч юз минг нафардан ошдиқроқ ёш муносиб иштирок этди. «Камолот»чилар «Ҳар бир ёшга бир ниҳол» лойиҳаси доирасида юз минг тупга яқин мевали ва манзарали дарахт кўчатлари, эллик минг туп гул кўчатларини экишди. Айниқса Термиз шаҳридаги «Болажон», Бобур, Алпомиш истироҳат боғларида бўлиб ўтган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига ёшлар муносиб ҳисса қўшишди.

— Юртимизни обод ва кўркам қилишнинг ҳар бири йигит-қиз ўзининг муқаддас бурчи деб билади. Шунинг учун бугунги тадбирда тенгдошларим муносиб иштирок этди. Вилоят марказидаги Амфитеатр биноси атрофида эллик дона мевали дарахт кўчатини эдик, — дейди «Камолот» фаоли Шаҳноза Абдуҳалимова.

«Ҳар бир ёшга бир ниҳол» лойиҳаси доирасида вилоят ёшларининг ҳар бири биттадан ниҳол экиб, юрт ободлиги учун муносиб ҳисса қўшди. Зеро, кўчат экиб боғ яратган қалб фақат эзгуликка ошно бўлади. Эзгулик ўз навбатида бунёдкорлик ва яратувчанликка йўл очиб беради. Бу эзгу амалларни ёшлар яхши билади.

Наргиза РАҲМАТУЛЛАЕВА,
«Turkiston» мухбири



Ойқортоғ томонларда...

Наврўз туйғулари

Тошларни сезмайди, улар ҳис-туйғулардан маҳрум дейдилар. Бунга мен ишонмадим. Бўлмаса бағридан ўсиб-улғайиш учун майсаларга жой берармиди? Бағридан чиқиб қуёшга қадаҳ тутаётган лолага марҳамат кўрсатармиди? Унинг қояларида аждоларимиз чизиб қолдирган сувратларни сақлаб келармиди? Ота-оналаридан, ўғай акаларидан қочиб келган нажотсиз бўй қизларга ёрилиб, бағридан жой берармиди? Уларнинг кўз ёшлари бўлиб бағридан булоқ оқизиб қўярмиди!

Йўқ, улар ҳис-туйғулардан маҳрум эмас...

Ойқортоғнинг чўққиларида қоялар имтиҳонига бардош бериб турган ёнғоқ дарахтининг шохидаги қуш уяларини кўрганмисиз? Бу ерга улар тошбағир кимсаларнинг қилмишидан қочиб келган. Бу ёнғоқ дарахти ҳам табиатники, зағизғон шу ерга, эртага қовлаб оламан, деб ёнғоқ мевасини кўмувди. Қаерга кўмганини тополмади. Кейин

мева баҳорда илдиз ёриб, дарахтга айланиб кетди. Ёнғоқ дарахтининг энг учига лайлак уя қўйган. У қушларнинг ҳомийси. Қўриқлайди, хўрагининг ортганини беради.

Чўққиларда мағрур турар бир ёнғоқ...

Қадимда одамлар қушлар парвозига, сайрашларига қараб яхши ният қилишган. Ҳаққуш сайраса, яхшилиқдан хабар дейишади. Қалдирғоч баланд учса, ёмғир ёғади,



турналар эрта келса, эзгулик, тўкин-сочинлик бўлади, лайлаклар пастлаб учса ҳосил мўл бўлади, дейишган.

Ўзимизга савол бериб қоламиз, болалар қушларга уя

қуришни унутиб қўймадимиз? Қалдирғочларга уйларимизнинг бўғотидан жой бераямизми, мусичаи беозорнинг уйини бузиб тухумини олмаямизми? Ўтган йил келган

попишаклар, зарғалдоқлар, булбуллар бу йил ҳам тўлатқис келдимиз? Бу саволларга жавоб топсак, қадим аждоларимиз қилган яхши ниятларнинг мағзини яна ҳам кўпроқ чаққан бўламиз...

— Дада, ботқоқ қўлмақда лайлак кўрдим, оёғида ҳалқаси ҳам бор.

— Кўрсанг бўпти-да, нима, илгари симёғочлар бошида кўрмабмидинг?

— Йўқ, тушунмаяпсиз, уларнинг оёғига ким таққан ҳалқани?

— Лайлаклар озайиб кетгандан кейин ҳеч ким тегмасин, рўйхатга олинган, дега-нида.

Бола дадасига яна саволлар берди. Ота унга тушунтиришга бироз қийналди. Катта бўлсанг, ўзинг тушуниб оларсан, деди ичида.

Бола катта бўлгунча лайлаклар йўқолиб кетмасмикан? Дарвоқе, ўзи ҳам табиатда тур сифатида йўқолиб кетган Турон йўлбарсларини музейда кўрди-ку! Терисига сомон тиқилган, шиша кўзларини йилтиратиб турибди...

Пардабой ТОЖИБОЕВ

■ Ta'lim taraqqiyoti ■

ТАШАББУС ҚАНОТИДАГИ ПАРВОЗ

2009 йилда фаолият бошлаган Сирдарё вилояти Боёвут тумани ҳудудида жойлашган Боёвут ижтимоий-иқтисодий коллежида ўқувчи-ёшларнинг тўлақонли билим эгаллаб, ўзлари танлаган йўналиш бўйича кичик мутахассис бўлиб етишишлари учун барча шарт-шароитлар муҳайё қилинган.

Коллежда молия, солиқлар ва солиққа тортиш, бухгалтерия ҳисоби, банк иши, ахборот-ресурс маркази кутубхоначиси, информатика сингари олти йўналиш бўйича тахсил олаётган 556 нафар ўқувчига қирқ уч нафар педагог сабоқ бермоқда. Давлат бюджети ҳисобидан мавжуд фанлар бўйича ўқув-лаборатория хоналари тўлиқ жиҳозланган. Иккита компьютер синфи мавжуд бўлиб, компьютерларнинг барчаси Ziynet ва интернет тармоқларига уланган. Коллежнинг ахборот-ресурс марказида эса барча зарур воситалар, қулай шарт-шароитлар яратиб берилган.

Фан олимпиадаларининг вилоят босқичида коллежнинг 2-босқич ўқувчиси Ҳамидулло Ҳабибуллаев математика фани бўйича ўзининг зукколигини намён этган бўлса, Дилафрўз Ёкубова «Келажак овози» мегатанловининг республика босқичида иштирок этди.

Коллеж жамоасининг салмоқли ютуқларни қўлга киритишида ташаббускор, изланувчан ўқитувчиларнинг хизмати

катта. Икки нафар инглиз тили фани ўқитувчиси ўқувчиларга чет тилини мукамал ўргатишга ас-



тойдил бел боғлаган. Улар ўқувчиларни икки гуруҳга бўлган ҳолда янгича инновацион технологиялардан унумли фойдаланмоқда.

Иқтидорли инглиз тили фани ўқитувчиси Гавҳар Абдуназарова 2011 йилда давлат гранти асосида Ҳиндистонда, 2013 йилда эса Буюк Британияда малака ошириб қайтди. Информатика ўқитувчиси Феруза Қурбонова эса ўқувчи ва ўқитувчиларга компьютер саводхонлигини сингдиришда алоҳида жонбозлик кўрсатаётир.

Ўтган ўқув йилида коллежнинг 196 нафар ўқувчи тамомлаган бўлса, ҳозирда уларнинг ўн нафари

«Микрокредитбанк» Боёвут туман филиали томонидан имтиёзли кредит олиб, ўзларининг тадбиркорлик фаолиятини бошлаб юборган. Албатта, коллежни тамомлаб, халқ хўжалигининг турли соҳаларида меҳнат қилаётган собиқ ўқувчилар билан доимий алоқа ўрнатилган.

Ушбу ўқув йилида эса коллежнинг 174 нафар ўқувчи тамомлайди. Айни кунгача ана шу битирувчиларнинг қирқ нафари тад-

қилиб берадилар. Ҳар бир миллатнинг ўзига хос кийими, куй-қўшиқлари эса янада ўзгача бир файз бағишлайди. Фолиб жамоаларни рағбатлантириш мақсадида маъмурият ташаббуси билан Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида саёҳат уюштирилаётганлиги диққатга сазовор. Яқинда Наврўз байрами муносабати билан навбатдаги фестивал ташкил қилинади.

Айтиш лозимки, коллежда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, боғ-роғлар барпо этишга алоҳида эътибор қаратилаётир. Хозирга қадар коллеж ҳудудига икки минг тупдан ортиқ мева-ли ва манзарали дарахт кўчатлари, ўттиз минг донадан ортиқ дарахт қаламчалари ўтказилганлиги фикримиз тасдиғидир.

Коллеж директори Алишер Сувоновнинг ташаббуси билан шу йилдан бошлаб арча ва турли хил дарахт кўчатларини етиштириш бўйича кўчатхоналар ташкил қилинди. Бу, албатта, ўзининг яхши самарасини бермоқда. Айнан кўчат етиштириш бўйича вилоят семинарининг коллежда ташкил этилишида ҳам ўзига хос рамзий маъно бор. Умуман олганда, ободонлаштириш бўйича олиб борилаётган хайрли ва ибратли ишлар Наврўз — умумхалқ байрамига ўзига хос совғаидир.

биркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагини билдирган. Уларнинг барчаси уч томонлама шартномалар тузишга эришган. Жорий йилнинг 24 март кунидан бошлаб, 3-босқич ўқувчилари, яъни битирувчилар ишлаб чиқариш ва дипломолди амалиётларини ўташ учун корхона ва ташкилотларга жўнаб кетишади.

Коллежда инглиз тили фани ўқитувчиларининг ташаббуси билан «Ўзбекистон — умумий уйимиз» шиори остида миллатлараро фестивал ўтказиб бориш одат тусига кирган. Бунда ҳар бир гуруҳ маълум бир миллатнинг урф-одатларини, миллий маданиятини талқин

қилиб берадилар. Ҳар бир миллатнинг ўзига хос кийими, куй-қўшиқлари эса янада ўзгача бир файз бағишлайди. Фолиб жамоаларни рағбатлантириш мақсадида маъмурият ташаббуси билан Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида саёҳат уюштирилаётганлиги диққатга сазовор. Яқинда Наврўз байрами муносабати билан навбатдаги фестивал ташкил қилинади.

Ашуралӣ БОЙМУРОДОВ,
«Turkiston» муҳбири

■ Inson va tabiat ■

Инсон ва табиатни боғлаб турадиган жиҳатлар саноксиз. Яшариш ва янгилаш фасли бўлмиш баҳорда ана шу жиҳатлар янада яққолроқ намён бўлади. Боғу роғлар яшнаб, гул-чечаклар очилади, адирлар яшил либос кийиши, умуман, табиатдаги уйғониш билан бирга инсон кайфияти, ички оламида ҳам баҳорий ўзгаришлар юз беради. Дарахтлар куртаклаб, гуллар гунчаласа, инсон қалбида ҳам янги орзу-умидлар пайдо бўлади.

ОСТОНАМИЗ ОБОД — ЮРТИМИЗ ОБОД

Халқимизда Ватан остонадан бошланади, деган содда, аммо теран маъноли ҳикмат бор. Унинг замирида, фақат Ватангагина таъриф берилмасдан, эй одамлар, ўзингиз яшаб турган жойни обод қилинг, остонангизни озода тутинг, деган маънолар ҳам мужассамдир. Чунки меҳмондўст, хайр-саховатли, меҳридарё инсонлар ҳаммиша уй-жойларини обод қилиб яшаганлар, хонадонларига қадам ранжида қиладиган инсонлар ҳурмати учун ҳам остоналарини покиза ва чиройли тутганлар.

Мустақиллик, Наврўз каби қутлуғ айёмлар арафасида ўтказиб туриладиган умумхалқ ҳашарлари моҳиятида ҳам ана шундай эзгу ният ва мақсадлар бор. Хусусан, ўтган дам олиш кунлари мамлакатимиз бўйлаб ўтказилган умумхалқ ҳашарлари тимсолида юртдошларимизнинг она табиатга бўлган меҳру муҳаббатлари, шаҳару қишлоқ, маҳаллау гузарларимизнинг кўркига кўрк қўшишдек улуғ ниятларига мос амалий ишларига гувоҳ бўлдик. Ўзимиз ҳам уйимиз, иш жойимиз, ўқув муассасамиздаги ҳашарларда қатнашдик.

Ҳашарнинг битта бетакрор хусусияти бор. Унда иштирок этган одам чарчамайди. Негаки, халқимизнинг бу эзгу қадриятида ўзгача жозоба ва мазмун бор. Унинг неча минг йиллардан бери яшаб, сайқалланиб келаётгани сабабларидан бири ҳам шундан бўлса керак.

Дилфуза НИЗОМОВА,
Тошкент педагогика коллежи ўқитувчиси

Ҳақолат

Ёш ижодкорлар саҳифаси

Марғилон шаҳрида шоир Исмомил Маҳмуд раҳбарлик қилаётган Жаҳон отин Увайсий номидagi адабий тўғарақда кўплад истеъдодли тенгдошларимиз қаламларини чархлашмоқда. Яқинда улар тахририятимизга ўзларининг янги ижод намуналаридан юборишди. Уларни эътиборингизга ҳавола этяпмиз.

ГУЛЛАР ДУДОҒИДА ИШҚНИНГ ИФОРИ

Дунё юзин очар қароқларимда,
Сарафроз қалбимда умидлар уйғоқ.
Эрта тонг қушлар ҳам сайрайди боғда,
Покликка беланган гўё ҳаммаёқ.

Илҳомбахш туйғулар мавжланар дилда,
Гуллар дудоғида ишқнинг ифори.
Бугун юрагимни уйғотиб аста,
Илк бор қадам қўйди севги баҳори.

Ҳуснигор Абдуқайумова

СЕН ОНАМСАН, МУҚАДДАСИМСАН!

Дилга тафтин тутган осмонларинг бор,
Ўзбегим деб куйган Чўпонларинг бор,
Тинчлик деб жон берган ўғлонларинг бор,
Ўзбекистон, онамсан, муқаддасимсан!

Манман деганлар кўп, қаромати йўқ,
Ўзин дунё билар, саховати йўқ.
Юртим демаганнинг иймони ҳам йўқ,
Ўзбекистон, онамсан, муқаддасимсан!

Менга меҳринг азиз, тупроғинг азиз,
Кавсар сувларинг булоғинг азиз.
Ватан деб тўкилган япроғинг азиз,
Ўзбекистон, онамсан, муқаддасимсан!

Офтобдай юзлари ёруғлар сенда,
Эзгу мақсадлару доғруғлар сенда.
Сени улғу билган улғулар сенда,
Ватан, сен онамсан, муқаддасимсан!

Абдуҳаёт Абдуқодиров

КўНГЛИМ УЗРА...

Кўнглим узра ёйилар шафақ,
Таралади қушлар навоси.
Лолазорлар мисоли ёноқ,
Яйратади баҳор ҳавоси.

Гул япроғин ювади шабнам,
Чечакларни ўпар шаббода.
Ёйилади адирга гилам,
Бир ажиб ҳис кезар сабода.

Диллар сенга интиқ, навбаҳор,
Гўдақдайин ёқимли исинг.
Чиройингга гуллар зеб берар,
Келинчақдай гўзалдир ҳуснинг.

Малоҳат Мамажонова

ҚИШЛОҚ МАНЗАРАСИ

Боғлар саҳнасида қушлар най чалар,
Боларилар йиға олмас ҳушини.
Шаббодага айтар оппоқ тушини,
Киприклари ивиб кетган майсалар.

Шомда шафақ қолар боғида тунаб,
Қайноқ юракларда қайноқ тилаклар.
Оппоқ гулларидан боладек қувнаб,
Варрак учиради яшил дарахтлар.

Улғайтирар ҳатто япроқларини,
Дастурхонда турган нони бир тишлоқ.



Пиёладек тутиб тупроқларини,
Деҳқоннинг кафтидан сув ичар қишлоқ.

Туйғулар кўнглини наққошдек ўяр,
Тутзорга етаклаб кетар бир хаёл.
Саҳарлаб ҳовлини супуриб қўяр
Онамнинг кўринмас келини — шамол.
Абдубанноб Мансуров

ИСТАК

Сен-ла ҳар оним гўзал, қадрли,
Эзгуликка тўлар бу дилим.
Бахтингни баҳордек гуллатолмасам,
Минг бора ғашланиб, ўксинар дилим.

Кенг самонда булут бўлайин,
Сенга сирларини йиғлаб айтгувчи.
Майли, баҳорингда бўлай қалдирғоч,
Фусун-тароватинг излаб қайтгувчи.

Саховатга бешик бепоев бағринг,
Рухимга туташиб кетгандир гўё.
Қалбимга жо айлаб муҳаббат атрин,
Дилимда ёшариб бормоқда дунё.
Рўзиҳон Шокирова

МЕН ЁТГАН БЕШИҚДА...

Бир кафтгина тупроқ, туғилган гўшам,
Соғинчим жам бўлган шудринглариди.
Муҳаббат яшарди, меҳр яшарди,
Отам чойхонасин гурунгларида.

Қизғалдоқ бағрига бош қўйган қишлоқ.
Баҳор этагини тутган бойчечак.
Ҳилол юзларига парда торгунча.
Ширмой нон ёпарди қўшни келинчақ.

Энди бу соғинчлар кечанинг ҳаққи.
Мен ўзим ёнмоқлик ишқин танладим.
Ёшлиқнинг ўт-олов кўчаларида,
Менга қўзин тутган юртни англадим.

Бугун бешигимда ухлайди ўғлим.
Она, сенинг алланг айтаман, зотан,
Бугуннинг, эртанинг иқболи бўлиб,
Мен ётган бешикда улғаяр Ватан!

Дилрабо Халилова

МЕНИ КУЗАТИБ ҚЎЙ

*«Мени кузатиб қўй... тунлар ёдида»
(Ҳалима Аҳмедова)*

Мени кузатиб қўй эртагим сари,
Беишқ-бедор кечган масрур кунларга.
Армонсиз малика бўлайин яна,
Эртакка айланган сирли тунларга.

Мени кузатиб қўй, гўзал хаёллар,
Орзулар ушалган мовий осмонга.
Ўйларимдан топай бахтим рангини,
Рангин камалақдан зирак тақ менга.

Мени кузатиб қўй, оппоқ тушларга,
Тунлар ойга чўкиб кетмайин бедор.
Ишқимиз лаҳжасин ўргат қушларга,
Ва ўзинг қуёшдай уйғотгин наҳор.

Мени кузатиб қўй...

Марҳабо Муродова



Пули хайрия қилинади

Буюк Британияда чўкиб кетган автомобиль кимошди савдосига қўйилди.

Машина эгаси ўзининг беш ўриндикли «Fiat Toledo»сини сувдан чиқариб олиб, 324 фунт стерлингга баҳоламоқда. Тошқин пайтида сув остида қолиб кетган машина айна пайтда таъмирдан чиқарилган. Ҳозирда юрадиган аҳволда. Машина сотувидан тушган пул тўлиқ хайрия мақсадида ишлатилиши маълум қилинган. Тошқин вақтида маҳаллий Сомерсет аҳолисининг катта қисми моддий қийинчиликка учраган. Уларга ҳукумат ҳам ёрдам бермоқда.

Ошпазларни айблаган футболчи

Франциянинг «ПСЖ» футбол клуби ҳужумчиси Златан Иброҳимович овқат масаласидаги эътирози сабаб, клубнинг икки нафар ошпази ишдан бўшатилади.

Иброҳимовичнинг айтишича, клуб ошпазлари футболчиларга оддий ва бир хил овқатлар тайёрлаб беради. Шунингдек, улар дангаса ҳам. Клубнинг бош ошпази Стефан Мишон ўзига янги яна иккита ошпаз олган. Клуб маъмурияти озик-овқатга бўлган эътиборни ва харажати оширган.

Футбол тарихида илк марта ошпазлар футболчининг эътирози туфайли истеъфога чиқарилди.

Янада осон ва қулай

Европа парламенти Европа иттифоқи ҳудудида сотиладиган смартфонларни ишлаб чиқарувчи компанияларга барча смартфонларга тўғри келадиган бир турдаги қувватлантирувчи қурилма ишлаб чиқариш мажбуриятини юклади.

Янги қувватлантирувчи қурилма барча телефонларга тўғри келиши керак. Акс ҳолда смартфон Европа бозорига киритилмайди. Айна пайтда, иттифоқда 500 миллионга яқин мобил телефон муомалада бўлиб, улар ўттиз хил қувватлантирувчи мослама талаб этади. Шунингдек, бу қонун туфайли, режа бўйича электрон чиқиндилар йилига 51 минг тоннага камаяди. Ҳозирча, бу қарорга «Apple» қарши чиқмоқда.

Жумбоқлигича қолмоқда

Ғойиб бўлган «Военс»нинг алоқа тизимлари атайин ўчирилгани маълум бўлди.

Самолёт ҳавога кўтарилганидан сўнг, ундаги «Aircraft and Communications Addressing and Reporting System» (Авиация алоқаси манзил ҳисобот тизими) қирқ дақиқа ўтиб, лайнер ичидаги киши томонидан ўчирилади. Яна орадан ўн тўрт дақиқа ўтиб, радарларга сигнал узатувчи қурилма ҳам ўчирилган. Учувчи охири марта алоқага чиққанида ҳам маълумот бериш ўрнига «ҳаммаси яхши, хайрли тун» деб алоқага яқун ясаган. Учувчининг уйидаги тинтув жараёнида шубҳали кўлбола авиасимулятор топилган. Айна пайтда самолётни қидиришда 25 мамлакат мутахассислари иштирок этмоқда.

**Интернет манбалари асосида
Жавоҳир ҚАРОМАТОВ тайёрлади**

Ko'nglingiz so'ragan satrlar

Баҳор

Баҳор.

Барқут кийиб безанди боғлар,
Сахролар кўксига тақди қизғалдоқ.
Қуёш этагига оқ булут боғлаб,
Ўрик шохларида қовурди бодроқ.

Еллар олиб қочди қишининг хобини,
Барғлар чапак чалиб уйғонди шодон.
Бутқоқларга қўниб, гул китобини
Варақлашига тушди булбул — ғазалхон...

Бугун коинотда эзгу бир ташвиш,
Гунча гул бўлай деб кўзин очади.
Мусича олдидан бир дона чўпни
Чумчуқ уясига олиб қочади.

Ҳайдаган даладан бир хас ортмоқлаб —
Чумоли юзурар — у ҳам тирик жон.
Шошилиб чопади табиб ирмоқлар,
Ернинг томирига қуймоқ учун қон...

Она тупроқ эса куз ташвишида,
Юксак хирмонларга сийнаси юклик.
Унинг сокингина тин олишида
Бордир оналарга хос бир буюклик.

Эркин ВОҲИДОВ

Tabiat va tibbiyot

ШИФОБАХШ ТАОМ

Наврўзни сумалаксиз тасаввур этиб бўлмайди. Тарихий манбаларда ёзилишича, уч минг йил аввал ҳам Ўрта Осиё халқлари баҳорни кутиб олиш, қишлоқ хўжалиги ишларини бошлаш арафасида энди униб чиққан ўт-ўланлардан махсус таомлар тайёрлашган.



Маълумки, айна баҳор палласида инсон организмда авитаминоз, яъни витаминлар, шунингдек, айрим микроорганизмларнинг танқислиги кузатилади. Тансиқ таом ҳисобланган сумалак янги униб чиққан буғдой майсасидан тайёрланади. Уни шифобахш ва яшартирувчи дори ҳам дейиш мумкин. Ҳозирги кунда буғдой майсасидан тиббиёт, парфюмерия ва косметология саноатида кенг фойдаланилмоқда. У витаминлар, микроэлементларга бой, озуқабоп бўлиб, енгил ҳазм бўладиган таомдир.

Янги униб чиққан буғдой майсаси ўн саккиз хил аминокислоталар, В₁ (марказий асаб тизимида қўзғалиш ва тормозланиш жараёнининг нормал ўтишида, одамнинг ақлий фаолиятини яхшилашда муҳим ўрин тутари), В₂ (оқсил, ёғ, углеводлар алмашинувида иштирок этади, марказий асаб тизимини тиклайди, ёруғликни сезиш ва ранг ажратишга ёрдам беради), В₃ (қоннинг липид таркибини меъёрлайди, миокард тўқималарида метаболизмни яхшилайдиган, буйрак-

усти безлар функциясини бошқаради), В₆ (оқсил ва ёғнинг нормал ҳазм бўлишини таъминлаб, азот алмашинувида муҳим роль ўйнайди); РР (ҳужайраларнинг нафас олишида, оқсиллар алмашинувида қатнашади, организмда ўсимлик оқсилларининг ҳазм бўлишини тезлаштиради, меъданинг секрет ва ҳаракат фаолиятини меъёрлаштириб, меъдаости беши ишлаб чиқарадиган секрет ва шира таркибини яхшилайдиган, жигар фаолиятини барқарорлаштиради), Е (мускул фаолиятини кучайтиради), F (тери қатламининг яшовчанлигини таъминлаб, атеросклерознинг ривожланишига тўсқинлик қилади) витамини, микроэлементлар, фосфор, калий, магний, олтингурут, хлор, натрий, марганец, рух, мис, фтор каби минерал моддаларга бой.

Сумалак иммунитетни мустаҳкамлайди. У юрак қон-томир, асаб тизимлари ишини яхшилайдиган. Экзема, ошқозон яра касалликларини

ни даволашга хизмат қилади. Кўзни ўткирлаштиради, сочларни қалинлаштиради, тишларни мустаҳкамлайди. Сумалак қонни тозалаб, гемоглабинни кўпайтиради. Анемия, эрта қаришнинг олдини олади. Қон босимини тушириб, организмдан холестериннинг чиқиб кетишини таъминлайди.

Сумалакнинг яна кўплаб шифобахш хусусиятларини санаб ўтиш мумкин. Азалий қадриятимиз — сумалак тайёрлаш жараёнида инсонлар бу таомнинг бетакрор таъми ва шифобахшлигидан баҳраманд бўлибгина қолмай, дошқозон атрофида ўйин-кулги ва гурунглари орқали бир-бирига меҳр-муҳаббатини янада кучаяди.

Сабоҳат ТОШПҲЛАТОВА,
Ўзбекистон Фанлар академияси геномика ва биоинформатика маркази тадқиқотчиси

Jurnalning yangi soni

«ЁШ КУЧ» ЯНА СИЗ БИЛАН

«Ёш куч» журналининг навбатдаги сонини қўлига олганлар, дарҳол унинг мундарижасига кўз ташлашлари аниқ: — Қани, бу гал қандай қизиқ мақолалар берилибди?

Умид қиламизки, журналдаги кўпгина мақола ва лавҳалар, шеърлар ва мактублар ўқувчи эътиборини тортади.

«Камалак»дан «Камолот» сари». Ушбу сарлавҳанинг ўзиёқ ўқувчига материалнинг ким ёки нима ҳақида эканини билдиради. Ҳа, адашмадингиз, ушбу суҳбат фаол бир ёш ҳақида. Аниқроғи, Сергели туманидаги 284-мактабнинг 7-синф ўқувчиси Шаҳзод Абдуллаев билан бўлган ушбу суҳбат орқали, унинг эришган ютуқлари, орзу-ниятлари билан танишиш мумкин.



Ижодкорга тахаллус керакми? Бугунги ўзбек болалар адабиётида яратилаётган асарлар савияси қандай? Кимни шу каби саволлар қизиқтирса, журналда эълон қилинган «Тахаллус ижодкорга керакми?» сарлавҳали суҳбатни мутолаа қилсин. Суҳбатдош таниқли болалар шоири Турсунбой Адашбоев экани кўп нарсани аниқлатади.

Журналда, шунингдек, «Ўсмир-ёшлар минбари», «Ўз йўлимни ўзим топсам» каби эътиборни тортадиган мақола ва суҳбатлар, фойдали маслаҳатлар, илм-фан янгиликлари ўрин олган.

Мақола ва суҳбатларни ўқиб бўлгач, ўқувчининг нигоҳи журнал муқовасидаги чиройли расмларга тушади. Уларнинг муаллифи ёш истеъдодли расом, Республика ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернатининг 3-синф ўқувчиси Аббос Тўраев. Унинг чизган суратлари сизга завқ ва яхши кайфият бахш этади.

Ўлмасбек МАҲМАРАЙИМОВ

«TURKISTON» САВОЛ БЕРАДИ

Ушбу медиа лойиҳа давом этади. Лойиҳа доирасидаги учинчи учрашув 2014 йилнинг 25 март куни «Камолот» ЁИХ Бухоро вилояти кенгаши раиси **Жамол Носиров** билан бўлиб ўтади. Суҳбатдошимиз ҳақидаги маълумотларни www.kamolot.uz сайтида ўқишингиз мумкин. Савол ва таклифларингизни savol@turkiston.uz электрон манзили ёки (+9 9871) 233-79-69 телефон рақами орқали кутиб қоламиз.

Энг қизиқарли савол ва таклиф муаллифларини совғалар кутмоқда. Шошилинг, вақт оз қолди.

ЗУККО МУХЛИСГА САВОЛ:

Буғдой ёрмаси ва гўшт солиб, узоқ қайнатиб пишириладиган ўзбек миллий таомини айтинг.

Жавобингизни 25 март соат 16.00 га қадар 233-79-69, 233-95-97 рақамларига кўнғироқ қилиб беришингиз мумкин. Биринчи бўлиб тўғри жавоб йўллаган мухлис номи газетамизда эълон қилинади.

Ўтган сондаги саволнинг жавоби: Ўзбекистон. Тўғри жавоб йўллаган мухлислар: Аъзамжон Омонбоев (Боёвут тумани), Шерали Тошпўлатов (Наманган вилояти).

YON DAFTARCHANGIZGA

Тиббиёт қўшиш ва айиришдан иборат — вужудга етишмай қолган ҳар қандай нарсани қўшиш ҳамда ортиқча бўлиб қолган ҳар қандай нарсани айириб ташлаш. Ким бунга яхшироқ бажарса, ўша яхши табибдир.

Гиппократ